

27

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2015 йил
17 июнь
ЧОРШАНБА
№ 48 (12788)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Саноат ярмаркаси

ЯНАДА РИВОЖ УЧУН САЛМОҚЛИ ТУРТКИ

Пойтахтдаги "Ўзэкспомарказ"да геология, ёкил-ги-энергетика мажмуаси, кимё, нефтькимё ва металлургия саноати, шунингдек, ахборот тизими ва телекоммуникация мажмуаларининг тармоқ саноат ярмаркаси ташкил этилди.

Анъанага кўра, ушбу тадбир шу йил 26 октябрдан 2 ноябргача бўлиб ўтадиган Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасининг биринчи босқичи доирасида ўтказилмоқда.

Ярмарканинг асосий мақсади қайта ишланган хом ашё, материал ва бутловчи қисмлар, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва етказиб беришда узоқ муддатли ҳўжалик алоқаларини кенгайтириш, шунингдек, тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни ривожлантириш асосида янги маҳсулот турларини ўзлаштиришдир. Бир жойнинг ўзида товар ишлаб чиқарувчи, хизмат кўрсатувчи ҳамда истеъмолчиларни учраштирадиган бундай ярмарка ўз самарасини аллақачон кўрсатган.

Чунончи, ўтган йилги шундай ярмаркада 251 та корхона 1980 хил маҳсулот билан иштирок этди. Ушбу маҳсулотларнинг 88 тури мутлақо янги бўлиб, муҳими, улар маҳаллийлаштириш дастури асосида ишлаб чиқарилган. Шунингдек, ярмаркада кўплаб чет эл фирма ва компаниялари вакиллари ҳам иштирок эттиди. Ярмарка давомида саноат кооперацияси бўйича ва экспорт учун 214,7 миллиард сўмлик ва 215,1 миллион долларлик маҳсулот етказиб бериш

юзасидан шартномалар тузилди.

Бу йил ярмаркага "Ўзбекнефтегаз" миллий холдинг компаниясига кирувчи 344 та корхона, "Ўзбекэнерго" ва "Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компаниялари, "ОКМК", "Ўзбеккўмир", "Ўзметкомбинат", "Тошкент ЛОЦМ заводи" ҳамда "Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли қотишмалар" акциядорлик жамиятлари, шунингдек, электр техника ва енгил саноат корхоналари ўз маҳсулотлари билан келдилар.

Шуниси диққатга сазоворки, Тошкент вилоятида фаолият юритаётган корхоналарнинг кўргазмалар стенди ярмаркадаги энг гавжум жойлардан бирига айланди. Зеро, улар нафақат мамлакатимиз, балки чет эллик харидорларга том маънода кўз-кўз қилишга арийдиган маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда. Жумладан, "ОКМК" акциядорлик жамияти "Ангрен" махсус индустриал зонасида бунёд этган заводнинг турли ўлчамдаги мис қувурлари саноат тармоқларида, бунёдкорлик иш-



ларида, сув қувурлари тортишда, иссиқлик коммуни-кациясида кенг қўлланилмоқда.

"Ўзбеккўмир" курган янги корхонанинг дунёда ўхшаш йўқ. Унинг асосий вазифаси кўнгир кўмирни бевосита ер остида қайта ишлаб, энергетик газга айлантиришдир. Ушбу газдан Ангрен ИЭЗда фойдаланилади. Шуниси муҳим-

ки, республика энергетика балансида кўмирнинг улушини кўпайтиришнинг аҳамияти эътиборга олиниб, 2019 йилнинг охиригача кўмир тармоғини ривожлантиришга оид Давлат дастури ишлаб чиқилиб, тасдиқланган. Шу каби ми-солларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Бундай йирик анжуманда иштирок этиш кор-

хонамиз учун янги имкониятлар сари йўл очиб беради, — дейди "EGL-NUR" қўшма корхонаси директори Жи Хенг Сук. — Бозорга чиққанмишга икки йил бўлди. Ушбу ярмаркада янги шериклар орттиришнинг умид қиламиз. Бу маҳсулотларимизни етказиб бериш ва ишлаб чиқариш ҳажмининг янада кенгайтиришга имкон яратади.

Шубҳа йўқки, бу галги тармоқ саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси мулк шаклидаги корхоналарнинг янада ривожланишига, кўплаб чет эллик салоҳиятли шериклар билан узоқ муддатли ва ўзаро фойдали алоқалар боғлашга тўртки бўлади.

Қобилжон ҒОҒУРОВ олган сурат.

Фармон ва ижро

Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлигида республика Президентининг "Хусусий мулк, кичик ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг мазмун-моҳиятини аҳолига етказишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

ТАДБИРКОРЛАРГА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Тадбиркорлар, кичик бизнес субъектлари вакиллари, корхона, ташкилот, фермер ва деҳқон ҳўжаликлари раҳбарлари иштирок этган тадбирда иқтисодиёти-мизда хусусий мулкнинг ўрни ва ролини тубдан ошириш, тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратиш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш кафолатларини кенгайтириш, шунингдек, тадбиркорлар фаолиятига аралашувларни янада чеклашга қаратилган қўшимча

меъёрлар белгилаб берилгани соҳа ривожини таъминлашга хизмат қилиши алоҳида таъкидланди. Мустақил иш бошлаш истагидаги бир гуруҳ ёш тадбиркорларга бизнес-режа ишлаб чиқиш, банкдан кредит олиш ва бизнесни юритиш билан боғлиқ бошқа масалалар юзасидан зарур маслаҳат, йўл-йўриқ ҳамда амалий кўмак берилди.

Юлдузхон
МУҲИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.

Маънавият

ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ — ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИГА ТАҲДИД

XXI аср бошланганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Бошқачароқ айтганда, янги аср бир ўси-риннинг умрича ёшга кирди, холос. Бирок, шу қисқа даврда бу кўҳна дунё кўплаб иқти-содий ва ижтимоий ўзгаришлар, бўҳрону та-назуулларга гувоҳ бўлди. Албатта, бунда даврнинг айби йўқ. Зеро, Аллоҳ Таоло Ҳади-си кудсийда: "Замонни айбламанг. Мен за-монман, Мен унинг эгасиман", дейди.

Бугун дунёнинг кўплаб мамлакатларини ўз до-мига тортган нотинч сиё-сий жараёнларнинг ке-либ чиқишида оммавий ахборот воситалари ёки интернетда тарқатилаёт-ган хабарларнинг ўрни каттадир. Бузғунчи куч-лар халқлар ўртасида уруш-жанжал ва зидди-ятлар келтириб чиқа-ришда "ўргимчак тўри"-дан ҳам кенг фойдалан-моқда. Бунда WikiLeaks каби сайтларнинг "ҳис-саси" катта бўлмоқда.

Бундай ялғизликнинг ман-балари номаълум, улар фитнага сабаб бўлувчи шов-шувли ёки ёлғон-яшиқ маълумотларни кенг оммага эълон қилиш билан шугуллана-ди. Шунингдек, бузғун-чи кимсалар "Facebook", "Twitter", "Instagram" каби ижтимоий тармоқ-лар орқали ҳам минглаб кишиларни оммавий но-

розилик уюштиришга чақиритишди. Миср ва Сурия каби араб мамла-катларида ҳали-ҳануз давом этаётган тўс-тўпо-лонларни авж олдириш-да, нифоқ уруғларини сочишда ҳам радикал гуруҳлар ижтимоий тар-моқлардан кенг фойда-ланишмоқда.

Шу ўринда Президен-тимизнинг "Юксак маъ-навият — енгилмас куч" асаридидаги мана бу фикрни эслайлик: "Маъ-навий таҳдид дегаданда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи на-зар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсади-ни кўзда тутадиган маф-куравий, говий ва ин-формацион хуружларни назарда туттиш лозим..."

(Давоми 2-бетда).

МАДРИДДА ДАВРА СУҲБАТИ

Испания пойтахтида Ўзбекис-тондаги демократлаштириш жа-раёни ва суд-ҳуқуқ тизими ислохотларининг долзарб ма-саладигари бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўз атро-фига Испаниянинг

академик, эксперт ва ишбилар-мон доиралари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари-ни жамлаган ушбу тадбир мам-лакатимизнинг Мадриддаги эл-чихонаси томонидан ташкил этилди.

Унда давра суҳбати-нинг катнашчилари мам-лакатимиз суд-ҳуқуқ ти-зими ислохотларининг асосий йўналишлари ҳамда демократик ва фуқаролик институтлари-нинг шаклланиши жара-ёнларига оид атрофича маълумотлар билан та-нишдилар. Шу ўринда Президент Ислам Кари-мов раҳбарлигида иш-лаб чиқилган Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимини исло-хотлари концепциясида-ни кўзланган мақсад ва ва-зифаларга алоҳида урғу берилди.

Тадбир чоғида мазкур концепциянинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши туфайли мустақил суд ҳокимиятини шаклланти-риш, суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш, одил судловнинг самарадор-лиги ҳамда сифатини ошириш юзасидан исло-хотлар муваффақият би-лан амалга оширилаётга-ни алоҳида таъкидланди.

Шу билан бирга, мам-лакатимизда инсон ҳу-қуқлари ҳимояси маса-лалари бўйича халқаро меъёрларнинг ҳаётга татбиқ этилиши юзаси-дан кўрилаётган чора-тадбирлар хусусида ҳам фикр юритилди. Қайд этилганидек, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги барча асосий халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг иштирокчи давлати си-фатида Ўзбекистон Рес-публикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти-нинг тегишли тизимла-рига мазкур ҳужжатлар ижроси тўғрисидаги миллий маърузаларни мунтазам равишда тақ-дим этиб келмоқда. Шунингдек, Халқаро

меҳнат ташкилотининг меҳнат ахли ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналти-рилган конвенцияларини ҳаётга татбиқ этиш ма-саладигарида ХХТ билан ҳамкорлик борасида Ўз-бекистоннинг саъй-ҳара-катлари тобора фаолла-шиб бораётганига ҳам алоҳида эътибор қара-тилди.

Юқоридагилардан таш-қари, профессионал асосда фаолият кўрсата-диган икки палатали пар-ламентнинг тузилгани, сиёсий партияларнинг роли кучайгани, фуқаро-лик жамияти ва нодавлат ноҳукумат ташкилотлари институтларининг фао-лият қўламлари кенгай-гани, оммавий ахборот воситалари мустақилли-ги мустаҳкамлангани ўзбек жамиятининг сиё-сий модернизациялашу-ви ва демократлашувида янги демократик тизим-га ўтиш борасида сал-моқли муваффақиятлар-ни кўлга киритаётганини кўриб турибмиз. Шу ўринда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳи-моя қилиш бўйича хал-

қаро меъёрларнинг ҳаёт-га татбиқ этилиши юза-сидан мамлакатингизда сезиларли тараққиётга эришилганини таъкид-лашни истар эдим.

— Ўзбекистон муста-қил, демократик ва бар-қарор давлатни барпо этиш томон жиддий қа-дам ташлаган, — деди Мадрид Автоном универ-ситети профессори, МДХ мамлакатлари бўйича эксперт Александр Лор-ка. — Мамлакатингизда сиёсий барқарорлик мав-жуд эканлигини алоҳида қайд этишни истар эдим. Бу ўзбек жамияти-нинг ижтимоий-иқтисо-дий, ҳуқуқий ва бошқа жабҳаларида ислохот-ларни ҳаётга татбиқ этиш учун зарур бўлган барча шароитларни яра-тиб бермоқда.

— Мен тадқиқотчилик ва инновация лойиҳа-ларини амалга ошириш билан шугулланадиган ташкилотнинг вакили сифатида мамлакатин-гиздаги иқтисодий ри-вожланиш суръатлари катта эътибор ва ҳур-матга лойиқ эканлигини таъкидлашни истар эдим, — деди Испания-даги "CVTSA" ташкило-тининг вакили Иньес Гон-салес. — Бугун бўлиб ўтган давра суҳбати биз-ларга Ўзбекистонда эри-шилган ижобий ўзга-ришларнинг ҳуқуқий ва сиёсий асослари ҳа-қидаги зарур маълумот-лар билан яқиндан тани-шиш учун жуда қулай имконият яратди. Мам-лакатингиз бундан кейин ҳам янгидан-янги муваффақиятларни кўлга киритишига тилақдош-ман.

"Жаҳон" АА.

Қишлоқ мулкдорлари

«ТЕМУР»НИНГ РЎЗҒОРИ БУТ

Зафар Тоиров тонг ёришиши билан далага жўнади. Галла ҳосилидан кўнгли тўқ. Ўтган йили 23 гектар ердан 124 тонна бун-дй ўриб-янчиб олиб, давлатга 64 тонна ўрнига 74 тонна ҳосил топширган. Ўзла-рига 50 тонна қолган. Кейинги йиллардаги натижаларга қараганда, бу мавсумда ҳам галла хирмони баракали бўлади.

Фермер шуларни ўйлаб борар экан, тўғри ғўза майдонлари сари йўл олди.

24,8 гектар ердаги ғўза кун сайин ҳам бўйи, ҳам энига ривожланыпти. Шигил шоналар гулга, олди гуллар қўсаққа ай-ланаяпти. Демак, бу қўсақлар оппоқ пахта бўлиб, очиладиган кунлар яқин. Насиб этса, "Темир" фермер ҳўжалиги бу йил ҳам давлат эҳтиёжлари учун галла ва пахта топшириш шартномасини Бўха туманида биринчилардан бўлиб бажаради.

(Давоми 2-бетда).



Даврон АҲМАД олган сурат.

Мурожаатлар беиз қолмайди

ҚАРЗИ ЙЎҚ «ҚАРЗДОР»ЛАР

Фойдаланилган табиий газ ҳақини ойма-ой қанда қилмай, ҳисоблагичдаги рақамларга му-вофиқ тўлаб бораётган истеъмолчилар зиммаси-га йўқ қарзларни юклаб, ундириб олишга уриниш ҳоллари учраб турибди. Хусусан, шу йил 27 апр-ель ва 5 май оралиғида бир йўла уч фуқародан Оҳангарон тумани истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига ариза тушди.

"Қорасувёқа" маҳалласи-да яшовчи М. Алимов ва Т. Жўраев, "Сусам" маҳалла-сидан С. Нусуров йўллаган шикоят хатида "Оҳангарон-газ" филиали абонент бўли-мининг истеъмолчилар би-лан ишлаш бўйича масъул ходимлари уларнинг аслида йўқ қарз-ларини ундириш бўйича ҳужжатлар тайёрлаб, Оҳангарон туманлараро су-дига топширишгани баён

этилган эди. Шунингдек, шикоят хатида "Оҳангарон-газ" филиали ходимлари ав-вал ҳеч қандай огоҳланти-риш беришмагани, ҳисобла-гич кўрсаткичлари бўйича қарзлари йўқлиги, чунки фойдаланилган газ ҳақини ҳар ойда тўлаб боришлари, шу боис истеъмолчи сифа-тида ҳуқуқлари бузилгани ва уни қайта тиклашга амалий ёрдам сўралган эди.

Гап шундаки, суднинг шу йил 6 февралдаги 2130-буй-ругига кўра, М. Алимовдан 1 миллион 213 минг 820 сўм қарз ва 60 минг 691 сўм давлат бож, 21 январдаги 1118-буйруги билан С. Ну-суровдан 1 миллион 203 минг 405 сўм қарз ва 60 минг 170 сўм давлат бож, 21 январдаги 1112-буйруги билан Т. Жўраевдан 1 мил-лион 731 минг 294 сўм қарз ва 86 минг 564 сўм давлат бож ундириш белгиланган. Шикоятда келтирилган далилларни ўрганиш мақса-дида шу йил 5 май куни "Оҳангаронгаз" филиалига мурожаат қилганимизда, ис-теъмолчиларнинг юқорида келтирилган қарзлари асос-

ланган жавоб хати олди. Аниқроқ айтганда, солиш-тирма даполатномада қарз-дорлик мавжуд эмаслиги кўриниб турган бўлсада, жавоб хатида қарз борлиги маълум қилинган. Шундан сўнг истеъмолчи-лар манфаатини кўзлаб, фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро су-дига "суд ҳукмининг бекор қилиш ҳақида" ариза билан мурожаат этди. Суд 27 май куни учала ҳолат бўйича алоҳида-алоҳида ажрим чи-қариб, истеъмолчиларнинг қарзларини бекор қилиш ва жами 4 миллион 355 минг 944 сўм қарзини улар фой-дасига ҳал этилишига эри-шилди.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлашни ис-тардик. Бошқаларни қўят-райлиғу, аммо 77 ёшли отахон Т. Жўраевни "Оҳан-гаронгаз" филиали ходим-лари ҳеч қандай асоссиз қарздор қилиб, бу ҳам ет-магандай, ишни судга оши-риб, маҳалла-қўй олдида ноқулай аҳволда қолдириб, бир неча бор туман марказ-ига қатнашга мажбур қилиб, сарсон қилганларини қандай баҳолаш мум-кин? Филиал раҳбарлари ўша ходимлар судга топ-ширган ҳужжатларнинг ҳақ-қонийлигини назорат қил-маганларини қандай тушу-ниш керак?

С. САҒАВРОВ,
Оҳангарон туман
истеъмолчилар
ҳуқуқларини ҳимоя
қилиш жамияти ижроия
аппарати раиси.

